Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 103 (5. 994) • 1986 йил 5 май, душанба • Баҳоси 3 тийин.



## КПСС XXVII съезди қарорлари—ҳаётга!

Қурилишлар ҳашарга чорлайди

## ТЎҚИМАЧИЛАР РЕЖАСИ

**●Тўқимачилик комбинатининг коллективи волгаликлар ташаббусини қўллаб-қувватлашди.**

**● Фрунзе райони ва корхонанинг социал-маданий-маиший объектларида ҳар бир киши тўрт кундан ишлаб беришга аҳд қилди.**

Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнат шон-шуҳрати музейида 1932 йил май ойи ва шундан кейинги ҳаяжонли кунларни акс эттирувчи фотосуратлар стендларга қўйилган. 1932 йилнинг 6 майида бўлиб ўтган митингдан кейин Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси Йўлдош Охунбобоев йигирув-тўқув фабрикасининг бўлғуси корпуслари пойдеворига дастлабки ғиштни қўйди. Шундан кейин минглаб тошкентликлар шаҳар чеккасидаги ана шу қурилишда жонбозлик кўрсатдилар. Ўрта Осиёда улкан тўқимачилик корхонасини ҳашар йўли билан қуриш бошланди.

Суратларда қурилиш майдонида одамлар қандай меҳнат қилишаётганлиги ўз ифодасини топган. Корхонанинг медицина- санитария қисми, дастлабки болалар боғчалари ва яслилари биноларини бунёд этишга киришилганда ҳам ана шундай манзарани кўриш мумкин бўлган эди.

Яқинда комбинатнинг бўлиб ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида машҳур тўқувчи, КПСС XXVII съезди делегати Евгения Александровна Губина тўқимачиларга ана шу жасоратни эслатиб ўтди. Евгения Александровна мамлакатимиз коммунистларининг олий анжуманидан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан ҳамкасбларини партия режаларини ҳаётга тадбиқ этишни жадаллаштиришда зарбдорчасига меҳнат қилиш ва шахсий муносиб ҳисса қўшишга чақирди.

—Волгаликлар яхши ташаббус кўрсатишди, —дейди у. —КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тольяттида бўлганида улар бир йил давомида социал-маданий-маиший объектлар қурилишида тўрт беш кун ишлаб беришга аҳд қилдилар. Бизнинг Фрунзе районида бу ташаббусни кўплаб меҳнат коллективлари қўллаб-қувватладилар. Улар «Самарқанд» автостанцияси атрофида кўп профилли болалар касалхонаси қурилишида ҳашарда қатнашишга бел боғладилар. Мен коллективимиз Салор ариғи шунингдек, ишлаб чиқариш устидан Иванволик тўқимачилар кўчаси бўйлаб ўтадиган кўприк қурилишида, —маиший биноларни реконструция қилишда тўрт бўш кун ишлаб беришлари юзасидан таклиф киритаман.

Бу таклиф якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Йиғилиш қарорида қуйидаги сўзлар ёзилган: **«Волжск автомобиль заводи коллективининг ташаббуси маъқуллансин. Ҳар бир тўқимачи 1986 йил мобайнида социал-маданий объектлар қурилишида камида тўрт бўш кун ишлаб берсин».**

**«Тошкент оқшоми»нинг коллектив мухбири —«Тўқимачилар овози» газета редакцияси.**



**КПСС аъзоси Саъдулла Маҳсумов тажриба экспериментал «Геологоразведка» заводининг энг моҳир токарларидан саналади. Унга шахсий белги билан маҳсулот тайёрлаш ҳуқуқи берилган. Саъдулла ака бу ишончга ўзининг ўн етти йиллик ҳалол меҳнати, касб маҳоратини тинмай ошириб бориш туфайли эришди.**

**Ҳозирги кунда илғор ишчи коллективда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, смена топшириқларини 130—150 процент адо этмоқда ва фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда.**

**Саъдулла Маҳсумов заводдаги жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. У завод партия бюроси ва завод қасаба союз комитетининг аъзосидир.**

**М. Нуриддинов фотоси.**

### Янги цех лойиҳаси

**«Узгипромеспром» лойиҳа институтининг мутахассислари шу ўн иккинчи беш йилликда бунёд этиладиган янги-янги корхоналарнинг лойиҳаларини яратиш устида ишламоқдалар. Институтда ишлаб чиқилаётган бир қатор маҳаллий саноат корхоналари реконструкциясига доир лойиҳалар ўзининг қиммати билан диққатга сазовордир. Бу лойиҳалар асосида корхоналарнинг қувватлари оширилади, истеъмол буюмларини тайёрлаш кўпаяди.**

**Сергелидаги ошхона ва бошқа мебеллар заводининг янги цехи эса шулар жумласидандир. Унинг лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Янги ишлаб чиқариш участкасида металларга офсет босма усули билан маҳсулотлар тайёрланади. Цехда манзарали темир тунукалардан турли хил ҳажмдаги банкаларнинг қопқоқлари тайёрлаш ўзлаштирилади. Завод ўзининг ана шу маҳсулоти билан республикада бир қатор озиқ-овқат саноати корхоналарини таъминлаб туради.**

### Қимматли ташаббус

«Средазгазавтоматика» ва заргарлик заводи бир-бирига қўшни корхоналардир. Уларнинг ишчи ва хизматчиларига қулайлик яратиш мақсадида икки корхона ҳамкорлигида янги маиший хизмат уйини бунёд этишга киришилди.

Икки қаватли замонавий маиший хизмат уйида сартарошхона, химчистка, пойафзал, кийим-кечаклар, мураккаб маиший асбоблар ремонти устахоналари жойлашади.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ЎЗ МУХБИРЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИ МУАЛЛИФЛАРИ ЁЗАДИЛАР**

### Юксак маррани кўзлаб

Танзилия Толиповани 3-темирчилик пресслаш цехининг ишчилари самимий табриклашди. У 1 Май байрами арафасида беш ойлик шахсий топшириғини бажарганлиги ҳақидаги рапортга имзо чеккан эди.

— Ташаббус кўрсатиб ишлаш, ҳамиша олдинги маррада бўлиш унинг энг яхши хислати, — дейди «Таштекстильмаш» заводи касаба союз комитетининг раиси Т. У. Муҳидова. — Ўн биринчи беш йиллик топшириғини бир йил аввал бажарди. КПСС XXVII съездини квартал планини бажариш билан кутиб олди. Яқинда яна бир ташаббус билан чиқди. Ўн иккинчи беш йиллик топшириғини доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги юбилейигача бажаришга аҳд қилди.

Фрунзе район Советининг депутати Танзилия Толипова юксак маррани забт этиш учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги резервларини ишга солмоқда. Цех ва бўлимларда издошларининг сафи кун сайин кўпайиб боряпти.

### Корхона қуввати ошмоқда

**Республикамиз пойтахтида ўтган йилнинг охиридан бошлаб шоли ишлаб чиқарувчи 11-дон маҳсулотлари янги комбинатида қувватларни ўзлаштириш бошланди. Лойиҳага кўра бу корхона бир суткада 360 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳозирги пайтда корхона суткасига 240 тонна шоли тайёрлашга эришмоқда.**

**Корхона ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили тўртинчи кварталида лойиҳа қувватига эришади.**

### Ихчам ускуна

«Ташэлектромаш» заводида «МТ—0201» маркали контактли қиздириш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Оғирлиги 35 килограммдан иборат бўлган бу ихчам ускуна ўзига хос оригинал конструкциядаги трансформатор билан таъминланган. Бундай ихчам машиналар корхоналарда ва ремонт устахоналарда аввалги баҳайбат дастгоҳлар ўрнини эгаллайди. Бундан ташқари у экскаваторларнинг комплектларига ҳам ускуна сифатида қўшилиши мумкин.

Янги маҳсулотнинг дастлабки намуналари синовдан муваффақиятли ўтди. Эндиликда уни оммавий ишлаб чиқаришга киришилди. Корхона шу йилнинг ўзида янги маҳсулотдан 400 тасини ишлаб чиқаради.

Бугун—Матбуот куни

## Партиянинг қудратли ғоявий қуроли



В. И. Ленин Кремлдаги кабинетида. Москва, 1918 йил, октябрь.

Газета—коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, балки шунингдек коллектив ташкилотчи ҳамдир.

В. Ульянов (Ленин)

Бир корхона янгиликлари

### Муддатидан илгари

Матбуот куни шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлаган «Матбуот» ишлаб чиқариш полиграфия бирлашмасининг коллективи кўрсаткичларни кун сайин ошириб бормоқда. Тўрт ойлик топшириқ муддатидан олдин бажарилиб, планга қўшимча 134 минг сўмлик китоб маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Саккиз тонна қоғоз, уч минг метр коленкор, 40 минг киловатт-соат электр қуввати ва 45 минг кубметр газ тежаб қолинди.

Матбуот байрами арафасида асосий корхона, биринчи ва иккинчи босмахона коллективлари зиммаларига олган мажбуриятларни муддатидан илгари реализация этилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

### Потокда китоблар

Полиграфия бирлашмасида йил бошидан буён 2,5 миллион нусхада 12 номда мактаб дарсликлари тайёрланди. Матбаачилар мактаб ислоҳотини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Корхонада сиёсий ва бадиий адабиётлар кўплаб босмадан чиқарилмоқда. КПСС XXVII съезди материаллари, Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса», Р. Жованьолининг «Спартак», Б. Пруснинг «Фараон», В. Шекспир асарларининг бешинчи жилди, И. Гончаровнинг «Обломов» ва бошқа кўплаб номдаги китоблар бир миллион нусхадан зиёд этиб нашр этилди. Рангли плакатлар, бланкалар, этикеткалар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш буюртмалари барвақт бажарилди.

Тошкент матбаачилари 1986 йилда катта ҳажмда иш —11 миллион 650 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашлари керак.

### «Мовий кўл» чорлайди

«Матбуот» полиграфия бирлашмаси коллективининг дам олиш зонаси ана шундай деб аталади. Ўтган беш йилликда бу ором масканида 3 мингдан ортиқ киши дам олди. Оромгоҳнинг ям-яшил либоси, шўх оқар дарёси, мусаффо ҳавоси ишчи ва хизматчиларга ҳамиша қувват бағишлайди.

Корхонанинг «Звездочка» пионер лагери ҳам яхши жиҳозланган бўлиб, унда ҳар йили 1500 гача ўғил ва қиз саломатлигини яхшилайди.

Юсуфхона қишлоғида тоғ бағрида 170 ўринли янги пионер лагери бунёд этилмоқда. Шу кунларда у ерда қурилиш ишларига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Бундан ташқари Акмал Икромов районида Бўзсув ариғи қирғоғида юз ўринли профилакторий қурилиши учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланяпти.

### Келин-куёвлар учун

«Матбуот» бирлашмаси ёнгинасида келин ва куёвлар ва кичик оилали ишчи-хизматчилар учун тўққиз қаватли ётоқхона биноси бунёд этилмоқда. Қурилиш ишларини олиб бораётган «Главташкентстрой»га қарашли 159-трестнинг коллективи бинодаги квартираларнинг калитлари келгуси йилнинг декабрь ойида эгаларига топширади.

## Бутун оила билан байрамга

Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

**КЕЧА**

**Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Матбуот куни кенг нишонланди.** Кечқурун ана шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари А. В. Гончарова очди.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, «Правда Востока» республика газетаси редактори Г. Г. Неклесса Матбуот куни ҳақида доклад қилди.

... Байрам арафасида журналистлар ва матбаачилар республика бош виставкасини «забт» этдилар. 20 дан ортиқ стенд, газета ва журналлар, нашриётлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилди. Улардаги суратлар ижодий коллективларнинг бир куни ҳақида ҳикоя қилади. Республика ва область газеталари «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати», «Комсомолец Узбекистана» газеталари қандай тайёрланиши тўғрисидаги экспонатлар томошабинларнинг диққатини жалб этди. Туркистон ҳарбий округининг «Фрунзевец» газетаси қўшалоқ байрам эгаси бўлди

Редакция коллективи тайёрлаган стенд «Биринчи сондан 20000 сонгача» деб аталади. Газетанинг дастлабки сони нашр этилиши матбуот байрами кунига тўғри келди. Яна бир катта стенд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақида ҳикоя қилади.

Кичкинтой фарзандларимиз учун аталган нашр «Ғунча» деб аталади. Унинг фаолияти тўғрисидаги стенд гуллар ва ясалган нафис буюмлар билан кўркамдир. «Пионер Востока» газетаси редакцияси хатлар бўлими мудири Галина Власова ёш мухбирлар билан ишлаш ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Байрам эрталаб соат 11 да бошланди. Бутун оромгоҳнинг хиёбонлари журналистлар ва матбаачилар, радио ва телевидение ходимлари оилалари билан гавжум бўлди.

Хиёбонларда турли адабиётлар билан савдо қилувчи китоб дўконлари ишлаб турди. Умумий овқатланиш ходимлари эса турли шарбатлар, кондитер неъматлари, таомлар билан байрам эгаларига хизмат кўрсатдилар.

Байрам программасидаги тадбирларнинг барчасига улгуриш қийин бўлди. Оромгоҳда катталар ва болалар спорт мусобақалари ўтказилди, ёзги чойхонада «Муштум» сатирик журнали, республика радиосининг «Табассум» ва «Қармоқ» журналлари ижодий коллективлари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

— Партиямизнинг XXVII съездида одамларнинг коллектив бўлиб дам олишлари, совет кишисининг ҳар томонлама камолоти тўғрисида ғамхўрлик ифода этилди,— дейди журналист Усмон Юсупов.

Бугун у беҳад хурсанд. Унга республика Журналистлар союзининг мукофоти топширилди.

— Биз Тошкентни янгича анъаналар шаҳри деб таърифлаймиз,—деб суҳбатини давом эттирди кекса журналист, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, «Кино» журналининг редактори Мумтоз Муҳамедов. —Энг муҳими бу байрам ҳар томонлама файзли, қизғин, оммавий ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев қатнашдилар.

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Матбуот кунининг байрам қилинишидан лавҳалар.**

**Т. Каримов** фотолари.

(Матбуот кунига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).




## «Пахтакор»—«Нива» (Винница)—3:1

46-марта старт олган СССР Кубогининг дастлабки ўйинларида республикамизнинг 5 командаси қатнашди: «Пахтакор», «Соҳибкор», «Нефтяник», «Динамо» (Самарқанд), «Зарафшон». Пахтакорчилар ўз майдонларида иккинчи лига вакили — Винницанинг «Нива» футболчиларини қабул қилдилар.

Мамлакат чемпионатининг бу йилги мавсумдаги ўйинларида бўлгани каби бу сафар ҳам узоқ вақтгача ҳисоб очилмади. Биринчи таймнинг сўнгги минутида В. Постнов тўпни қулай вазиятда турган С. Разаматовга етказиб берди. Шошиб қолган меҳмонларнинг ҳимоячиси А. Бабарико тўпни дарвазабонга оширмоқчи бўлиб хатога йўл қўйди ва у дарвазабон Н. Загоруйко устидан ошиб ўтиб, дарвоза тўрига тушди. Иккинчи таймда С. Бауэр ва С. Разаматов ҳисобни 3:0 га етказишди.

Учрашув якунланишига 3 минут қолганда меҳмонлар ягона жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлдилар.

Шундай қилиб, «Пахтакор» СССР Кубогининг дастлабки матчида 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, унинг навбатдаги даврасига йўлланма олди.

Ўйин давомида «Пахтакор» Марказий стадионида мухлислар ниҳоятда оз эдилар. Стадион маъмурияти шу куни соат 17 дан 35 минут ўтгандан бошлаб Марказий телевидение орқали Европа Кубок эгаларининг кубоги финал ўйини («Динамо» Киев — «Атлетико» Мадрид) олиб берилишини билар эдилар-ку?! Наҳотки, «Пахтакор» Марказий стадиони раҳбарлари ўйин вақтини ўзгартириб, томошабинларга қулайлик яратиш устида ўйлаб кўрмаган бўлсалар? Ахир Тожикистон пойтахтидаги «Помир» — «Нефтяник» матчи соат 15.00 да бошланди-ку?!

Бунинг устига стадионимизда байрам кунлари бўлишига қарамасдан биронта ҳам қизиқарли тадбир ўтказилмади. Стадиондаги ҳар бир ўйин мухлислар учун катта байрам бўлиши лозим. Буни мутасадди раҳбарлар бир дақиқа ҳам унутмасликлари керак.

**А. ИМОМХЎЖАЕВ,**
**«Тошкент оқшоми» футбол шарҳловчиси.**

